

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ  
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ЎРНИ.**  
10.53885/edinres.2021.18.47.076

**Р.Г.Жумаев**  
**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)**  
**Бухоро давлат университети**  
**Ўқув ишлар бўйича проректори**  
**Бухоро, Ўзбекистон**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, миллий ғоя ва жамият мафқурасини шакллантириш, уларни халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришнинг бир-бири билан боғлиқ икки вазифаси кун тартибига қўйилди. Уларни, шартли равишда, ижтимоий-сиёсий макон, тарихий замон нуқтаи назаридан ички ва ташқи йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётини эркинлаштиришда. Маълумки, жамиятни ташкил қилган ижтимоий-сиёсий қатламларнинг манфаатларидаги хилма-хиллик қонуний тарзда улар ўртасидаги манфаатлар хилма-хиллигини намоён етиш билан бирга эркин ва муштарак мақсадларни ҳам келтириб чиқаради. Жоҳондаги ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибалари шу манфаатлар муштараклигини ўз вақтида, оқилона ҳал қилишнинг йўллари, воситаларини топиш жамиятнинг барқарор тараққиёти гарови эканлигини ва аксинча, мамлакатларнинг ғоявий ожизлиги, ношудлиги миллий парокандаликка олиб келди, халқни қулликка маҳкум қилишини қайта-қайта исботлаб берган. Ана шу ҳолатни олдини олишда мамлакат ичида халқнинг миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқоди уларни умуммиллий мақсад йўлида жипслаштиради.

Миллий ўзлигини англаш – бу ҳар бир миллат, халқ ўз-ўзини билишга, тушунишга қаратилган муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий жараён. Бу жараён бой мазмунга эга бўлиб ўта мураккабдир.

Ҳар бир миллат доимо ўзининг миллий ғоясига асосланган ғоя ҳам ўзлигини англашга интилиб яшайди. Бироқ бундай интилиш ҳамма вақт ҳам доимо ҳам амалга ошавермайди, чунки у турли жамиятдаги шароитларга ва обектив ва субектив омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам миллатлар бир-биридан, ўзларининг мустақил белгиси бўлган миллий ўзлигини қай даражадаанглаганлиги билан ҳам анча фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президент Ислам Каримов бу жараённинг моҳияти тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган, яъни: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади». “Биз, - дейди И.А. Каримов. – ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни анна шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур” ва “Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз Ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос вазифа жамият барпо этишни тушунаман”<sup>[16]</sup>, дейди И.А. Каримов.

Бу фикрларидан биз миллий ўзликни билишнинг муҳим жиҳатларини тушунишга эришдик. Шу фикрларни янада оддийлаштириш ва миллий ўзликнинг бошқа жиҳатларини ҳам кўриб чиқиш мақсадида, биз кетма-кет турли адабиётларда миллий ўзликка берилган айрим таърифларни келтирамиз.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ўз мезонлари мавжуд бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат:

- а) ўзи туғилиб ўсган заминининг, юртининг, Ватанининг ягоналигини англаш;
- б) ўз она тилини чуқур билиш ва уни ҳурмат қилиш;
- в) ўз миллий маданиятини ва маънавий меросини ҳар томонлама ўзлаштириш ва сақлаш;

г) ўз тарихини мунтазам ўрганиб бориш<sup>[17]</sup>.

2. Миллий ўзликни англаш бу –

а) халқнинг ўтмиши;

б) унинг босиб ўтган шонли йўли;

в) ўзига хос маданияти;

г) тил бирлиги;

д) урф-одат ва анъаналари;

е) тарихан ортирган бой ҳаётий тажрибаси;

ё) диний қадриятларни англаш ва қадрлашдир<sup>[18]</sup>.

3. Миллий ўзини-ўзи англаш бу –

а) халқнинг, миллатнинг ўтмиш тарихий тараққиёт йўлини тушуниш;

б) ота-боболари, насл-насаби, авлоду аждодларининг ким бўлганлиги

в) уларнинг жаҳон илм-фани, маданият тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олинди ва шу билан бирга берилган вакиларни уларнинг уларнинг манфаатлари ва еҳтиёжларининг умумийлигини тушуниб етишдир.

4. Ҳар бир миллат вакили учун миллий ўзликни англаш бу –

а) қандай миллат фарзанди эканини билиш;

б) шахснинг ўз миллий мансублигини еъзозлаши;

в) ундан ғурурланиши;

г) ўз миллат манфаатлари, еҳтиёжлари ва мақсадларидан келиб чиқиб фикри ва фаолиятини бошқаришдир<sup>[19]</sup>.

5. Миллий ўзликни англаш бу –

а) жамият аъзолари мустақиллик миллат учун улуғ нэъмат ва эканлигини ва унинг ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этшини англаш;

б) миллатнинг туб манфаатларини ва у ҳар бир шахс, маҳаллийчилик манфаатларидан устун туришини англаб етиш ва шу билан бирга

в) миллат ўзининг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси тўғрисида қайғуриши;

г) милий ғурур ва ифтихор туйғусини маълум даражада ҳис этшидир.

6. Миллий ўзликни англаш натижасида миллат вакилларининг миллийлиги, миллий хусусиятлари жонланади ва кучаяди, уларнинг миллат тақдири ва келажаги тўғрисидаги ғамхўрлиги тобора ошади ва бутун миллат дарди билан яшаш улар ҳаётининг мазмунига айланиб боради.

Миллий ўзликни англашнинг миллат учун энг аҳамиятли жиҳатлари шундан иборатки, миллат вакиллари ўзлигини қанча тэран англай борсалар, шунча мустақиллик улар учун улуғ нэъмат эканлигини ва миллат манфаатлари ҳар қандай шахсий манфаатлардан устун туришини англай бошлайдилар.

Умуман олганда, миллий ўзликни англаш ҳар бир миллатнинг ҳаётида ниҳоятда катта ўрин эгаллайди, чунки у ўзининг ўтмишини тэран англаш асосида бугунини ҳам тўғри ва атрофлича билиб олишга эришади ва шу билан биргаликда ўз келажагини аниқ белгилаб ривожланиш йўлига ўтиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори”да Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакилларининг Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада ошаётгани, республикамиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари оммалашиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб берилган.

Хулоса сифатида, миллий ўзликни англаш давлат, жамият ва халқ учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлиги тўғрисидаги сўзларимизни Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги фикри билан якунлаймиз, яъни: “Миллат ўзлигини тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади”<sup>[20]</sup>

#### **Адабиётлар рўйхати**

- [1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71-б.
- [2] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 410-б.
- [3] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 410-б.
- [4] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: ЎФМЖ, 2004. 188-б.
- [5] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71-б.
- [6] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 704-б.
- [7] Қўчқоров В. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. 12-б.
- [8] Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 34-б.
- [9] Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. 63-б.
- [10] Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 17-б.
- [11] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎМЭДИН, 2010. 246-б.
- [12] А.Азизхўжаев “Чин ўзбек иши” – Т.: Ўзбекистон, 2011. 415-417-бет.
- [13] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 592-б.
- [14] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 181-б.
- [15] Амир Темур ўғитлари. – Т.: Наврўз, 1992. 19-б.
- [16] И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулоқот” журнали. 1998 йил. 5-сон
- [17] М. Алимова, М. Тюменова, Ж. Ҳасанов. Миллий ўзликни англаш жараёнида ижтимоий фаоллик – “Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи”, Гулистон, 2006, 106-бет.
- [18] И.Р. Хўжамуродов. Истиқлол ва ўзликни англаш. – Миллий истиқлол мафқураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. С., 1995, 34-бет.

[19] З. Ҳамидов. “Миллий ўзликни англашда мафкуранинг роли” – Миллий истиқлол мафкуриси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. Самарқанд, 1995, 38- бет. Акмал Саидов. Миллий ғурур бош қонунимизнинг асосидир. “Туркистон”. 2005 йил 12 феврал.

[20] И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 465-бет.